



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ДАГИ
ИЖТИМОЙ ХОДИМНИНГ
ВАЗИФАЛАРИ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА



**“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ДАГИ
ИЖТИМОЙ ХОДИМНИНГ
ВАЗИФАЛАРИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Ижтимоий ходимининг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 17 бет.

Мазкур услубий қўлланма ижтимоий ходими фаолиятини тартибга солиши, уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларида акс эттирилган масалалари, роли, асосий вазифалари ва хизмат кўрсатиладиган хизмат тоифалари, амалга ошириладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлари, бошқа орган ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва айрим масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим. **Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

МУНДАРИЖА

<i>Ижтимоий ходим фаолияти қандай тартибга солинади?.....</i>	<i>4</i>
<i>Ижтимоий ходимнинг роли.....</i>	<i>6</i>
<i>Ижтимоий ходимнинг вазифалари.....</i>	<i>7</i>
<i>Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар</i>	<i>8</i>
<i>Ижтимоий ходимнинг маҳалла билан ўзаро ҳамкорлиги</i>	<i>10</i>
<i>“Энг фаол ижтимоий ходим” танлови</i>	<i>11</i>
<i>Иловалар.....</i>	<i>12</i>
<i>Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар</i>	<i>18</i>

Ижтимоий ходим фаолияти қандай тартибга солинади?

МАҲАЛЛАДАГИ ИЖТИМОИЙ ХОДИМНИНГ ИШ ЮРИТИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ

МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ*



ИЖТИМОИЙ ХОДИМ



МАҲАЛЛА РАИСИ



СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ



ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ



ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ



Ижтимоий ходим – ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкиллаштирадиган ёки бевосита ижтимоий хизматларни кўрсатувчи зарур касбий малакага эга бўлган шахс.



Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси ва солиқ инспекторлари билан биргаликда **ИЖТИМОИЙ ХОДИМ** жамоатчилик асосида фаолият юритадиган **“маҳалла еттилиги”**нинг бири ҳисобланади.

Ижтимоий ходим **“Инсон”** маркази директори буйруғи билан лавозимига **тайинланади** ва лавозимидан озод этилади.

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони

Ижтимоий ходим фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар:




Ижтимоий ходим касбий фаолиятининг асосий тамойиллари:





Ижтимоий ходимнинг роли

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар/шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкиллаштиради ёки бевосита ижтимоий хизматларни кўрсатади.



Шунингдек, ижтимоий ходим оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган шахслар, оилаларга юзага келган ижтимоий муаммоларини енгиб ўтишга ҳамда жамиятда бошқа шахслар билан тенг имкониятлардан фойдаланишига шарт-шароит яратишга қаратилган иш ва хизматларни кўрсатади.





Ижтимоий ходимнинг вазифалари

Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларни аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларига қараб, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ёрдамларни ташкил этишга мувофиқ ижтимоий ишларни бажариш **ИЖТИМОЙ ХОДИМНИНГ** асосий вазифасидир.

Ижтимоий иш – ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш орқали шахсий ва ижтимоий қийинчиликларни енгишга ҳамда ёрдам беришга қаратилган касбий фаолият (Қўлланманинг 2-илоvasи).

Ижтимоий ходимнинг асосий вазифалари:



Бу муҳим!



“Маҳалла еттилиги”нинг фаолияти асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича алоҳида баҳоланади (Қўлланманинг 3-илоvasи). Бунда кўрсаткичлар мазкур ходимларнинг иш берувчилари томонидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар



Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича

Аёлларни реабилитация қилиш маркази ва ҳудудий бўлинмаларида ёрдам кўрсатилган ҳамда ҳимоя ордери берилган шахсларни сайёр мониторинг қилиш.



Кам таъминланган оилалар бўйича

Кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа тайинлашга ариза қабул қилиш ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлашга ариза қабул қилиш.



Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича

Боланинг қариндошлари ва яқинлари орасидан васийликка ёки ҳомийликка олишни истаган шахсларни аниқлаш, маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига юбориш.



Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналар

Ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф мавжуд бўлган болалар маълумотларини васийлик ва ҳомийлик органига вакил тайинлаш учун юбориш.



Бундан ташқари, ижтимоий ходим томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг номидан **сўровнома (ариза) киритиш** (*Қўлланманинг 4 ва 5-иловалари*) йўли билан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар мавжуд:

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар бўйича



Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларга йўлланмалар ажратиш;

Ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш.

Етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича

Мақтабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш.



Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг алоҳида розилигини талаб қилмасдан шошинч ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар:




Логин

Парол

Эслаб қол? [Паролни тиклаш](#)

Кириш

[ЭРИ](#) [ONE ID](#)

Ижтимоий ходимлар фойдаланиши учун **tins.ihma.uz** платформалари ишга туширилган бўлиб, аҳолини “Хонадонбай” орқали хатловдан ўткази натижалари ва аҳоли томонидан қилинган муурожаатлари ушбу платформага киритиб борилади.

Мазкур платформада оғир **ИЖТИМОЙ АХВОЛГА** тушиб қолганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, болаликдан ногиронлиги бўлган **18 ёшга** тўлмаган шахслар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, **18 ёшга** тўлмаган оналар ва уларнинг болалари, тазйиқ ва зўравонликка учраган аёллар, боқувчисини йўқотганлар тўғрисидаги маълумотлар акс этади.

Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам

Контингент – “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар

 <p>Болалар нафақаси ✔ 18 ёшгача болалари мавжуд оилалар</p> <p>2,1 млн олувчи оила</p>	 <p>Моддий ёрдам ✔ Фарзанди бўлмаган оилалар ёки ёлғиз фуқаролар ✔ Фарзанди 18 ёшдан катта оилалар</p> <p>72 521 та олувчи оила 380 000 сўм</p>
--	--

ЖАМИ: 9 млн олувчи шахслар сони

Муурожаат ва тайинлаш





Ижтимоий ходимнинг маҳалла билан ўзаро ҳамкорлиги

МАХАЛЛА РАИСИ

Маҳалла ички ресурсларини сафарбар қилади ҳамда маҳалла аҳолиси орасидан ҳомийлик асосида ёрдамни ташкил этади.



**ХОТИН-КИЗЛАР
ФАОЛИ**

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларида тезкор ёрдамни ташкил этади ҳамда хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилади.



**ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИ**

“Ҳимоя ордери” берилган ҳолатларда зўравон билан ишлаш дастурини амалга оширади ҳамда собиқ маҳбуслар ижтимоий мослашувини таъминлайди.



**ЁШЛАР
ЕТАКЧИСИ**

Оғир ҳаётий аҳволга тушиб қолган ёшларни ижтимоий ҳаётга мослаштиради, спортга қизиқтиради ва соғлом турмуш тарзини шакллантиради.



**ҲОКИМ
ЁРДАМЧИСИ**

Даромадли меҳнат билан банд қилади, касб-хунарга ўқитади ва малакасини оширади, субсидиялар ва имтиёзли кредитлар ажратади.



**СОЛИҚ
ИНСПЕКТОРИ**

Аҳолига солиқ қонунчилиги юзасидан ҳуқуқий тушунтириш беради.






“Энг фаол ижтимоий ходим” танлови

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 й. 3 февралдаги 69-сон қарори билан “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низом** қабул қилинди.

1

Низомга кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ижтимоий ходимлар, ижтимоий ходим ассистентлари, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилотлардаги хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори бўйича ижтимоий ходимлар ўртасида “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик танлови ташкил этилади.



3

Танлов қўйидаги синовлар асосида ўтказилади:

- иштирокчиларнинг билим даражасини аниқлашга қаратилган ижтимоий иш соҳасидаги онлайн тест синовлари;
- иштирокчиларнинг IQ (интеллектуал коэффициент) ва индивидуал психологик хусусиятлари даражасини аниқлашга қаратилган синовлар;
- иштирокчилар билан яқка тартибдаги суҳбат.

2

Шунга кўра, ҳар йили 1 апрелгача кўрик танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилади ва номзодлар 1 апрелдан 30 апрелгача агентлик веб-сайти орқали рўйхатдан ўтади.

Кўрик танловнинг ҳудудий саралаш босқичи май ойида, республика финал босқичи июнь ойида ўтказилади.

Танлов ғолиб ва совриндорлари ҳар йили июль ойининг биринчи ҳафтасида қуйидагича тақдирланади:

Ҳудудий саралаш босқичида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг қуйидагича миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти

Республика финал босқичида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг қуйидагича миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти





Иловалар

1-илова

Боланинг ота-онаси қаердалиги ҳақида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, уларни «бедарак йўқолган» деб топиш чораларини кўриш учун маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига киритиш хизматини кўрсатиш

ПАСПОРТИ

1. Ижтимоий хизмат номи:	Боланинг ота-онаси қаердалиги ҳақида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, уларни «бедарак йўқолган» деб топиш чораларини кўриш учун маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига киритиш
2. Ижтимоий хизматлардан фойдаланувчилар:	Вояга етмаган ота-она қарамоғисиз қолган бола
3. Хизмат кўрсатувчи:	Ижтимоий ходим
4. Ижтимоий хизматдан фойдаланиш (кўрсатиш учун) учун тақдим қилинадиган маълумот ва ҳужжатлар:	бедарак йўқолганнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, у ҳақда маълумотлар кўрсатилади) жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР); яшаш манзили; телефон рақами.
5. Ижтимоий хизмат натижаси:	Далолатнома расмийлаштирилади ва васийлик ва ҳомийлик органига юборилади
6. Ижтимоий хизматни кўрсатиш муддатлари:	Аниқлангандан сўнг, икки иш куни ичида
7. Хизмат кўрсатиш давомийлиги:	Доимий
8. Ижтимоий хизматни кўрсатишда иштирок этадиган органлар ва ташкилотлар:	Ички ишлар органлари, васийлик ва ҳомийлик органи
9. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат:	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 33-моддаси

Маҳаллаларда ижтимоий иш юретишнинг босқичлари (намунавий)

Иш юретишнинг босқичлари	Мурожаат ёки сигнал келиб тушуши/аниқлаш	Дастлабки баҳолаш	Комплекс баҳолаш	Хизмат кўрсатишнинг индивидуал режасини ишлаб чиқиш	Режани амалга ошириш (Мониторинг)
Босқич муддатлари	Сўров бўйича	1 соатдан 1 кунгача	14 кундан 30 кунгача	7 кунгача	3 ойгача
<p>Ижтимоий иш намунаси</p>  <p>(Навоий вилояти, Кони-мех тумани)</p>	<p>Оминага парвариш</p> <p>Азизовлар оиласи сабабли, онада имконияти йўқ, она тушқунги гигиена воситаларига муҳтож. Она - Азизова Азиза, ҳолатда.</p> <p>35 ёшда ўрта-маҳсус маълумотли хамшира, қизига вақтинчалик ишсиз, ўтказилганлиги сабаб</p> <p>Ота - Азизов Лазиз, ишлар бўлимига мурожаат қилинган.</p> <p>38 ёшда оддий ишчи қилинган.</p> <p>Қиз - Азизова Омина, Ногиронлик мавжуд синганлиги маълум бўлди.</p> <p>5 ёшда касалхонада ҳаракатланмаслиги, қилинганлиги сабабли маълум бўлди.</p> <p>ногирон бўлиб қолган).</p>	<p>Оминага парвариш кераклиги қилинган.</p> <p>Онада ишлаш мунтазам муолажалар ва йўқ, она тушқунги гигиена воситаларига муҳтож. Яшаш жойида шарт-шароит бўлган яратилмаган (ювиниш хонаси таъсирхожатхона, ошхона мавжуд Ички эмас).</p> <p>Оиланинг даромади:</p> <p>Отасининг даромади - 2 млн. аравачаси сўм ва ногиронлиги бўлган бериладиган эканлиги, шахсларга сабабли нафақаси ҳисобига - 747 минг фақат сўм. Оила даромадларининг қисми қизни даволатишга кетади.</p> <p>Омина мусиқа ва бошқа тўғарақларга қизиқиши борлиги, лекин ўқитувчиларнинг олдига келмаслиги аниқланди.</p>	<p>Омина 1 йил аввал аравадан йиқилиб, думғаза алоҳида суяги синган ва операгия қилинган.</p> <p>Мунтазам муолажалар ва йўқ, она тушқунги гигиена воситаларига муҳтож. Яшаш жойида шарт-шароит бўлган яратилмаган (ювиниш хонаси таъсирхожатхона, ошхона мавжуд Ички эмас).</p> <p>Оиланинг даромади:</p> <p>Отасининг даромади - 2 млн. аравачаси сўм ва ногиронлиги бўлган бериладиган эканлиги, шахсларга сабабли нафақаси ҳисобига - 747 минг фақат сўм. Оила даромадларининг қисми қизни даволатишга кетади.</p> <p>Омина мусиқа ва бошқа тўғарақларга қизиқиши борлиги, лекин ўқитувчиларнинг олдига келмаслиги аниқланди.</p>	<p>Ижтимоий ёрдамнинг индивидуал режаси ижтимоий ходим томонидан ишлаб чиқилади.</p> <p>Супервайзер билан мувофиқлаштирилади.</p> <p>Режа аёл ва оила аъзолари билан келишиб, хизмат кўрсатиш бошланади.</p>	<p>Режанинг бажарилишини назорат қилиб борилади.</p> <p>Ишнинг ҳисоботи юритилади.</p> <p>Аёл ва фарзандларининг ҳолати назорат (мониторинг) қилиб борилади.</p>
Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш бўйича ташкилот ва бўлимлар	<p>Ички ишлар бўлими</p> <p>Азизова Азиза қизи билан Ички ишлар бўлимига тўғридан-тўғри мурожаат қилган.</p>	<p>А. Азизовага шошилинч руҳий ёрдам кўрсатилган.</p> <p>Бирламчи эҳтиёжларини аниқлашда психолог ва ҳуқуқшунос иштирок этган.</p> <p>Аёл қизи билан Аёлларни реабилитация қилиш марказига ҳудудий бўлимига йўналтирилган.</p>	<p>Ижтимоий ходимлар - ҳар томонлама баҳолашни ўтказиши ва маълумотларни электрон базага киритади.</p> <p>Маҳалла фуқаролар йиғини - ижтимоий ходимга қўшимча маълумот беради.</p> <p>Супервайзер - ижтимоий ходим фаолиятини, бошқа идораларга сўровларни ташкиллаштиради.</p>	  	<p>Супервайзер</p> <p>Оила</p>

Ижтимоий ходимларнинг ойлик иш ҳақи ва фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари буйича тўланадиган мукофот
МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Миқдори
I. Ойлик иш ҳақи миқдорлари <i>(бириктирилган ҳудуддаги оилалар сонидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдориغا нисбатан)</i>		
1.	Ижтимоий хизматларни ташкиллаштириш буйича мутахассис ҳамда 1 500 тагача оилага хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4 баравар
2.	1 501 тадан 2 000 тагача оилага хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4,2 баравар
3.	2 001 тадан 2 500 тагача оилага хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4,4 баравар
4.	2 501 тадан 3 000 тагача оилага хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4,6 баравар
5.	3 001 тадан 3 500 тагача оилага хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	4,8 баравар
6.	Мобил гуруҳлардаги ижтимоий ходимлар ҳамда 3 500 тадан ортиқ оилага хизмат кўрсатадиган ижтимоий ходимлар учун	5 баравар
II. Фаолият самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тўланадиган ҳар ойлик мукофот миқдори <i>(ойлик иш ҳақига нисбатан)</i>		
1.	Фаолият самарадорлиги " қониқарли " деб топилганда	15 фоиз
2.	Фаолият самарадорлиги " яхши " деб топилганда	30 фоиз
3.	Фаолият самарадорлиги " аъло " деб топилганда	50 фоиз

Изоҳ:

1) ойлик иш ҳақини ҳисоблашда ижтимоий ходимларга бириктирилган маҳаллаларда тўлиқсиз оила ёки шахслардан иборат бўлган хонадонлар оила сифатида тан олинади;

2) мобил гуруҳлардаги ижтимоий ходимларга Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ойлик иш ҳақининг **50 фоизи миқдорида** ҳар ой **қўшимча тўлов** тўлаб борилади.

**“Инсон” ижтимоий хизматлар
маркази директори**
_____га
_____туман (шаҳар)
_____маҳалласи _____кўчаси
___-уй ___-хонадонда яшовчи шахс
_____дан

РОЗИЛИК ХАТИ

Мен _____,
вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)
_____тумани(шаҳри) “_____” маҳалласидаги ижтимоий ходим
томонидан ўзимга ва оила аъзоларимга комплекс ижтимоий хизматлар
ва ёрдамлар кўрсатишга, шунингдек, зарурат бўлганда керакли
ижтимоий хизматлар кўрсатилишини таъминлаш учун мурожаатимга
тегишли масъул ташкилот ва идораларга йўналтиришига розилик
бераман.

Ф.И.Ш

Имзо

Сана

**Кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам
тайинлашга ариза қабул қилиш хизматини кўрсатиш
Паспортига ариза**

**Бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармасининг
_____ туман (шаҳар)
(республика, вилоят, шаҳар)
бўлими бошлиғига**

**Қуйидаги манзилда яшайдиган
фуқаро**
Маҳалла _____
кўча _____
Уй _____
Хонадон _____
_____ томонидан
(ариза берувчининг Ф.И.Ш.)

АРИЗА

Сиздан менинг оиламга қонунчиликда белгиланган ижтимоий нафақа (кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ёки кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам) тайинлашангизни сўрайман.

Аризага қуйидагиларни илова қиламан:

Паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси;

Васийлик ва ҳомийлик органининг қарори нусхаси.

Бошқа ҳужжатлар: _____

Аризани кўриб чиқиш тўғрисидаги хабарни қуйидаги келтирилган телефон рақамига: +998 _____ ёки электрон почта _____ га юборишингизни сўрайман.

Пенсия жамғармаси бўлимини оила таркиби (бола туғилганлиги, вафот этганлиги ёки бошқа ҳолатлар), яшаш жойим ўзгарганлиги ва нафақа (моддий ёрдам) миқдорига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар ёки ўзгаришлар содир бўлганда ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оламан. Тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлигини кафолатлайман.

Менинг ва оила аъзоларимнинг иш ҳақларини ва бошқа барча даромадларини ҳамда мулкӣ ва моддий ҳолатлимизнинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали текширилишига розилик бераман.

Мурожаат қилувчининг имзоси: _____

Сана: 20__ й «__» _____

Аризани рўйхатдан ўтказдим

(Ижтимоий ходимнинг Ф. И. Ш.)

Ижтимоий тармоқлардаги фойдали ҳаволалар



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг **расмий телеграм саҳифаси**



Ижтимоий ходим тўғрисидаги **вақтинчалик низоми**



Ижтимоий ходимнинг **лавозим йўриқномаси**



Ижтимоий ходимлар учун **махсус телеграм гуруҳи**

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 3 февральдаги ““Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-69-сон қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 декабрьдаги “Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-410-сон қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрьдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрьдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сон қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрьдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-539-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрьдаги “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-319-сон қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрьдаги “Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-739-сон қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 апрельдаги “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМҚ-264-сон қарори;
9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 10 июньдаги “Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3240).